**ОНА ТАБИАТИМИЗ КУШАНДАЛАРИ**

*F.Холмоновнинг автомашинасида ноёб ҳайвонларнинг терилари борлиги аниқланди. У қоплардаги 202 дона ондатра, 5 дона чиябўри терилари ҳамда 101 та қопқонларга тегишли ҳеч қандай ҳужжат тақдим эта олмади.*

8 бет

**ИЧКИЛИК БАЛОСИ**

*Улар бир-бирларига рўпара бўлишлари ҳамон яна муштлашиб кетишди. Бу сафар ҳам Ҳакимнинг қўли баланд кела бошлади-ю, Шерзод ёнидан пичоқни чиқариб, унинг дуч келган жойига ура бошлади...*

9 бет


# Huquq

Mustaqillik huquq demakdir

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz 2013-yil 26-sentabr, №39 (872)


*1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни*

## Қадр ва эъзоз оғушида

***Ўқитувчи, мураббий, устоз. Оддийгина бу сўзлар замирида шунчалик катта маъно ва мазмун борки, уни таърифлашга баъзан сўз ҳам ожизлик қилади. Зеро, ҳар қайси инсон ўқитувчининг қўлида савод чиқаради, мураббий ва устоздан таълим олади, тарбия топади. Бугун биз бирон касбни эгаллаб, Ватан ва эл корига яраётган эканмиз, аввало, улардан миннатдор бўлишимиз табиий, албатта.***

Юртбошимизнинг фармонларига мувофиқ мамлакатимизда ҳар йили 1 октябрь — ана шундай мўътабар касб эгалари бўлган Ўқитувчи ва мураббийлар байрами сифатида кенг нишонланиб келинмоқда.

Юртимизда истиқлол йилларида ўқитувчи ва мураббийлик касби том маънода қадр ва эъзоз топди. Бу ҳақда гап борар экан, ўтган йиллар давомида шаҳар ва қишлоқларимизда замонавий талаблар асосида бунёд этилган мактаб, лицей ва касб-ҳунар коллежларини, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, илғор педагогик ва ахборот технологиялари, ўқув-машғулот ва лаборатория хоналарини ташкил этиш, дарслик ва қўлланмаларнинг янги авлодини яратиш, малакали кадрларни тайёрлаш йўлида амалга оширилган кенг кўламли ишларни айтиб ўтиш ўринли бўлади.

Энг муҳими, бундай замонавий билим масканларида жонкуярлик ва фидойилик кўрсатаётган ўқитувчи ва мураббийларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш бўйича ўзига хос янги тизим жорий этилди. Бу бежиз эмас. Чунки уларнинг меҳнати ана шундай юксак эътибор ва эъзозга муносибдир.

Ёш авлоднинг теран билимли ва етук мутахассис бўлиб етишишида уларнинг беминнат хизматлари улкан. Президентимиз таъкидлаганларидек, ҳақиқатан ҳам кўз нури ва қалб қўрини, бутун онгли ҳаётини ёш авлодга билим ва тарбия беришга, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришга бағишлаган, бир сўз билан айтганда, Ватанимизнинг эртанги куни пойдеворини яратаётган бу инсонларнинг олижаноб меҳнати доимо халқимиз томонидан эъзозланиб келган.

Устоз деганда, ҳар қайси инсон кўнглида чуқур ҳурмат-эҳтиром ва чексиз миннатдорчилик туйғулари, шу билан бирга, ҳеч қандай бойлик билан ўлчаб, адо қилиб бўлмайдиган қарздорлик ҳисси пайдо бўлади. Бу ёруғ оламда онадек меҳрибон, отадек ғамхўр, ҳар биримиз учун азиз ва мўътабар бўлган улуғ зот — бу муаллим ва мурраббийлардир.

Зеро, уларнинг меҳнатларини ҳазрат Мир Алишер Навоий бобомиз ҳам шундай ажойиб сўзлар билан таърифлайди:

*Ҳақ йўлинда ким санга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,*
*Айламак бўлмас адо анинг ҳақин юз ганж ила.*



Ифтихор



*Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!*

# Юрт тарозиси

## УНДА ХАЛҚ ҲИМОЯСИ ВА АДОЛАТ ТОШ БОСАДИ

***Ўзи боғ яратиб, ҳосилини олмаган киши боғбон меҳнатини тўғри баҳолай оладими? Кўчат кўкариб, икки-уч қишдан омон чиқиб гуллаши ва нишона беришигача бўлган меҳнат машаққати боғбонга аён, холос. Мустақиллик, Озодлик, Эркинлик ҳақида сўз кетганда, кун тиғида дарахтларни парваришлаётган боғбон кўз олдимиздан ўтади беихтиёр. Зотан, Истиқлолни ҳам ёш ниҳол каби парваришлаб, авайлаб-асраш лозим.***

Шукурки, Истиқлол йилларида эккан ниҳолларимиз бўй чўзиб, мева бермоқда. Ҳар бир соҳада ютуқларимиз салмоқли. Ер ўз эгаси — фермерларга топширилгани туфайли ўзимизни ўзимиз ғалла билан таъминлаяпмиз. Сифатли пахта толамиз эса дунё бозорида юқори баҳоланмоқда. Энг асосийси, уни бировлар эмас, ўзимиз сотаяпмиз.

Ёш авлодга кўрсатилаётган ғамхўрликдан бошимиз кўкка етади. Улар жаҳон андозалари асосида қурилган кўркам биноларда, замонавий техника воситалари кўмагида билим, касб ўрганмоқдалар. Буларнинг бари Истиқлол иноятни эмасми?!

Ҳа, Истиқлолимизга йигирма икки йил тўлди. Айтиш жоизки, адолат тантана қилмоқда. Сабаби тайин: бутун саъй-ҳаракатларимиз, мақсад-муддаоларимиз, орзу-истакларимиз ва бу борадаги қонунчилигимиз буюк Амир Темурнинг "Адлу эҳсон билан жаҳон гулшани обод бўлади", деган машҳур ўгитига моҳиятан муштарак. Шунинг учун ҳам қисқа даврда Ўзбекистонимиз жаҳон ҳамжамиятининг илғор қатламига юзланди.

Юртбошимиз раҳнамолигида яратилган қонунларимиз негизида умуминсоний қадриятлар, миллий анъаналаримиз ҳамда умумтараққиётимиз манфаатлари ётганлигини дунё жамоатчилиги ва кўпмиллатли юртимиз аҳли бугунги кунда яққол ҳис этаётгани қалбларга ғурур бағишлайди.

Истиқлол туфайли халқимиз онгида чуқур маънавий-руҳий ислоҳот амалга ошди. Булар аҳолининг қонунларимизга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, хусусан, прокуратура тизимига муносабатларида кўринмоқда. Бугунги кескин глобаллашув жараёнида тенглар ичра тенг бўла олиш учун, озод ва обод юрт қолдириш учун фақат қонунларга таяниб яшаш зарурат эканлигини фуқароларимиз англаб етдилар.

Инсониятни, жамият ва давлатни келажак сари элтувчи омил бу мақсаддир. Ҳаётингдаги ижобий ўзгаришлар, шубҳасиз, қандай мақсад билан яшаётганингга боғлиқ. Йигирма икки йил тарихан қисқа давр. Аммо ана шу муддатда юртимиз асрларга тенг ўзгаришларни қўлга киритди. Бунинг боиси, мустақилликнинг илк лаҳзаларидан мамлакатимиз ўз олдига қатъий мақсад қўйиб одимлаганидадир. Барчага аён бўлганидек, бу ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишдир. Табиийки, бундай жамиятда барча мақсадлар фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатлари муҳофазасига қаратилади.

Бугун юртимизда кечаётган ҳуқуқий ислоҳотлар, амалга киритилаётган қонунлар, қарор ва фармонлар шунга йўналтирилган. Биргина эътироф: Бош Қонунимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасида: "Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар", дея баён этилган.

Прокуратура органлари ҳам ана шу масъулликни ҳис этиб, фаолият олиб бормоқда. Бу фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини муҳофаза қилиш, қишлоқ хўжалиги соҳасига оид қонунлар ижроси, вояга етмаганлар ҳаёти, ариза ва шикоятлар билан ишлаш, ижтимоий ҳимоя масаласи, умуман, тизим зиммасига юклатилган кенг қамровли фаолиятнинг барча қирраларида кўринади.

/Давоми 6-бетда/

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида сўзлаган нутқида ҳуқуқий ислоҳотларни амалга оширишда прокуратура органлари ҳал қилувчи ўрин тутишини таъкидлаб, шундай деган эдилар: "Такрор-такрор айтишга тўғри келади, бу соҳада хизмат қиладиган одамлар ўзининг профессионал ва фуқаролик бурчини, ўз вазифасини қанчалик ҳалол ва сидқидилдан ижро этиши, ҳеч муболағасиз, бутун ҳокимият обрўси ва кишиларимизнинг адолатга ишончи қай даражада бўлишини белгилайди".*

# Мурожаатлар доимо эътиборда

**Муборак НАЖМИТДИНОВА,**
Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокурорининг катта ёрдамчиси

Шу сабабли, янги таҳрирда қабул қилинган "Прокуратура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида қонунбузилиши ҳолатларини тезда бартараф этадиган, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш борасида жамият талабларига жавоб берадиган прокуратура органларининг масъулияти оширилиб, прокуратуранинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш функциялари янада кучайтирилди.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокуратураси органлари томонидан "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Бош прокурорнинг 2004 йил 10 декабрдаги "Фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқилишида қонунийликни таъминлаш тўғрисида"ги буйруғи ижросини таъминлаш борасида тизим ходимлари томонидан ҳар ярим йилда фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш амалиёти таҳлил этилиб, умумлаштириб борилмоқда.

Аввало, фуқароларни доимий равишда прокуратурада ва бевосита иш жойларида турли масалалар бўйича қабул қилиш ташкил этилган бўлиб, шунингдек, жойлардаги транспорт прокурорлари томонидан фуқароларни меҳнат ва ўқиш жойларида, аэропортлар ва темир йўл вокзалларида қабул қилиш йўлга қўйилган. Аэропорт ҳамда вокзалларнинг марказий кутиш залларида прокурорларнинг қабул қилиш жадваллари мавжуд.

Таҳлилларга кўра, жорий йилнинг ўтган даврида тизим ходимлари томонидан жами қабул қилинган фуқаролар сони 3076 тани, бевосита меҳнат жамоаларида қабул қилинганлар сони 2102 тани, прокурорлар томонидан қабул қилинган фуқаролар сони эса 806 тани ташкил этган бўлиб, бу кўрсатгич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 56 тага ошган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси транспорт прокуратураси органларига келиб тушган мурожаатлар сони 529 тани ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 10 тага камайган. Ушбу ариза ва шикоятларнинг 209 таси бевосита прокуратура органларида ҳал этилган. 249 таси тегишлилиги бўйича ҳал этиш учун бошқа муассасаларга юборилган. Аризаларнинг қолган 52 таси дубликат, 6 таси эса аноним мурожаатларни ташкил этган.

Жорий йилнинг ўтган даврида тизим ходимлари томонидан юқоридаги қонун ижроси юзасидан 12 та текшириш ўтказилган бўлиб, натижасига кўра, қонунбузилиши ҳолатларини бартараф қилиш ҳақида 51 та тақдимнома киритилган ва 33 та қарор қабул қилинган. Прокурорларнинг тақдимномалари ҳамда қарорлари билан 51 нафар шахс интизомий, 1 нафари эса маъмурий жавобгарликка тортилган.

Прокуратуранинг аралашуви талаб қилинган 41 та ҳолатда фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш чоралари кўрилди. Жумладан, ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бошқармаси томонидан ишдан ноқонуний бўшатилганликлари тўғрисида Тошкент транспорт прокуратурасига мурожаат қилган фуқаролар Ш.Жумабоев, О.Шукуров ва Г.Шамсиддиновларнинг аризаси текширилиб, натижасига кўра, отряд бошлиғининг уларни ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруқларига протест келтирилган. Шунингдек, уларнинг аввалги ишларига тикланишлари таъминланиб, бўш юрган вақтлари учун етказилган зарарлар қопланган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокуратураси органлари томонидан тадбиркорларнинг мурожаатларига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, тегишли прокурор назорати ҳужжатлари орқали уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга эришилмоқда. Масалан, "Бунёдкор" масъулияти чекланган жамият директори О.Раҳимовнинг "Ўзтемирйўлқурилишмонтаж" унитар корхонасидан муддати ўтган дебитор қарзини ундиришда амалий ёрдам бериш тўғрисидаги мурожаати ўрганилиб, натижасига кўра, унитар корхонадан МЧЖнинг фойдасига 58 млн. 900 минг сўм миқдордаги қарзни ундириш ҳақида маҳкама томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судига даъво аризаси киритилган ва даъво қаноатлантирилган.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, ҳар бир мурожаатнинг ортида инсон тақдири туради. Шундай экан, унинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ҳар биримиз масъулиятни эканлигимизни зинҳор унутмаслигимиз шарт.

# Фирибгарликни касб қилиб...

*Бир юмуш билан қўшниникига чиққан Соҳиба (исм-фамилиялар ўзгартирилган)нинг ошхонага ўрнатилган жовонни кўриб, ҳаваси келди. Қаердан олганини сўради-да, Костя исмли йигит ясаб берганини эшитгач, дарҳол унинг телефон рақамини ёзиб олди. Уйига чиққач, таваккал, дея Костяга қўнғироқ қилди.*

**Азиза ТУЙҒУН,**
Мирзо Улуғбек туман прокурори ўринбосари

Эртаси куни кириб келган ёшгина йигит ўзини Костя, деб таништирди-да, қаерга, қандай жовон ясаш кераклигини сўради. Сўнгра, нималарнидир ҳисоб-китоб қилиб, ҳаммаси 3 миллион сўмга битиши, фақат 70 фоизини олдиндан тўлаш кераклигини айтган эди, Соҳиба шу заҳоти рози бўлди. Ичкарига кириб, 500 АҚШ доллари билан 350 минг сўм пулни олиб чиқди-да, Костянинг қўлига тутқазди. Уста мебелни тайёрлаб, 8 декабрь куни олиб келишни ваъда қилди-да, хайрлашиб чиқиб кетди.

Аммо ваъда қилинган кун келса-да, на устадан ва на буюртмадан дарак бўлмади. Сабабини аниқлаш учун Костяга телефон қилди. Ундан 12 декабрь куни олиб келаман, кутинг, деган жавобни олганида, яхшиси 16 декабрда — якшанба куни келақолинг, деб илтимос қилди.

Бироқ, уста бу сафар ҳам ваъдасининг устидан чиқмади. Телефонларга ҳам жавоб бермай қўйди. Бундан хуноби чиққан Соҳиба уни излаб, иш жойига борди. Маълум бўлишича, Костя Соҳибадан ташқари яна бир қанча фуқаролардан ҳам қарз олган, улар ҳам уни қидириб юришган экан. Шундан кейин Соҳиба тегишли идорага ариза билан мурожаат қилишга қарор қилди.

Шу орада Костя яна бир фуқарони худди шундай усул билан чув туширган экан. Маълум бўлишича, уйида таъмирлаш ишларини бошлаган фуқаро Карима Жамолова ҳам ошхонасига шкаф ўрнатмоқчи бўлади ва яхши уста қидириб, у ҳам Костяга рўпара келади. К.Жамолованинг уйига келган уста бекага буюртмани 5 кунда тайёрлаб беришга ваъда қилади-да, ундан бўнак тариқасида 100 АҚШ доллари ҳамда 55 минг сўм пул ундиради. Бироқ, орадан нафақат ваъда қилинган кун, балки яна бир неча ҳафта ўтса ҳам, уста унинг эшигини тақиллатиб келмайди. Телефонини эса ўчириб қўяди. Тоқати тоқ бўлган К.Жамолова охироқибат уни қидиришга тушади ва топиб, ички ишлар идорасига олиб келади. Шундан кейингина Костя унга пулларини қайтариб беради.

Жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман суди гулдек ҳунари бўлса-да, ундан фойдаланмай фирибгарликни ўзига "касб" қилиб олган Константин Шумиловга қилмишига яраша тегишли жазо тайинлади.

# Ёшлар — истиқлолимиз истиқболи

*Мустақиллик йиллари юртимизда барча жабҳаларда ислоҳотлар амалга оширилди. Айниқса, мамлакатимиз аҳолисининг асосий қисмини ташкил этадиган ёшлар камоли, уларнинг таълим-тарбияси-ю юксак салоҳиятли бўлиб улғайишига алоҳида эътибор қаратилди. Шунинг баробарида, Давлатимиз раҳбарининг "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт" деган фикрлари ёшларимизга қанот бўлмоқда. Бугун юртимиз ўғил-қизлари ушбу ғамхўрликларга жавобан барча соҳаларда катта ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Уларнинг илм-фан, техника, маданият ва санъат, спорт, ихтирочилик ҳамда рационализаторлик таклифлари бўйича амалга оширилаётган ишлар кимни қувонтирмайди, дейсиз! Жаҳон спорт ареналарида ўғил-қизларимиз шаънига Ватанимиз байроғи баланд кўтарилиб, мадҳиямизнинг янграши ёхуд санъаткор ёшларимиз ижро этаётган асарларни севиб тинглаб, томоша қилаётган хорижликларнинг эътирофи қалбимизда ифтихор туйғусини янада жўштиради.*

**Давлат СОИБОВ,**
Бухоро шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси

Шуни таъкидлаш жоизки, республикамиз таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш борасида қатор чора-тадбирлар йўлга қўйилмоқда. Бухоро шаҳрида 16 та коллеж, 5 та академик лицейлар ёшларнинг таълим олишлари учун хизмат қиляпти. Ўрта-махсус маълумотга эга бўлган ўғил-қизлар эртага ўз мутахассислиги бўйича муносиб кадр саналади. Битирувчиларни йўналишлари бўйича ишга жойлаштириш прокуратура органлари томонидан назоратга олинган бўлиб, бу масала мутасадди идоралар ҳамкорлигида амалга оширилаётган "Меҳнат ярмарка"ларида намоён бўлмоқда. Бухоро шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ҳамда шаҳар прокуратураси томонидан ҳудудда амалга оширилган меҳнат ярмаркалари ёшларни корхона ва ташкилотлардаги бўш иш ўринларига жалб этиш, касб-ҳунар эгаси бўлган авлоднинг ўз салоҳияти билан келажагини қуришга хизмат қилмоқда.

Бугуннинг ёшлари ташаббускор ва изланувчан. Уларнинг тадбиркорлик қобилиятлари таклиф этаётган лойиҳаларида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Бунга "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси, Марказий банк вилоят бошқармаси, "Агробанк", "Микрокредитбанк", "Ипотекабанк" очиқ акциядорлик тижорат банклари ҳамкорлигида ташкил этилган "Ёш тадбиркор — юртга мададкор", "Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор" каби кўрик танловлар мисолида амин бўлиш мумкин. Бундай тадбирлар ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини бошлашига ёрдамлашиш, уларни қўллаб-қувватлаш ҳамда ишларини ривожлантиришда муҳим ўрин тутмоқда. Жорий йил танловнинг шаҳар ва туман босқичларида 370 нафарга яқин ёшлар жалб этилиб, тадбиркорлик қобилиятига эга 63 нафар номзод вилоят босқичида қатнашди. "Ёш тадбиркор — юртга мададкор" танловида Ф.Жўраев, "Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор" танлови ниҳоясида эса Ж.Бобоев ҳамда М.Иброҳимовлар махсус дипломлар, эсдалик совғалари ҳамда бизнес лойиҳаларини молиялаштиришни таъминловчи сертификатлар билан тақдирланишди.

Бугуннинг ёшларига ҳавасимиз келади. Улар дунёқараши кенг, салоҳиятли, билимларга бой, ҳар соҳада фақат ғалабалар сари интилувчи, унга эришмагунча тиниб-тинчимас ўғил-қизлардир. Ўзбекистон аталмиш тинчликсевар жонажон Ватанимиз келажаги уларнинг қўлида.

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш бўйича фаолиятни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

**23-модда. ОИВ инфекцияси юққан шахснинг соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш**

ОИВ инфекцияси юққан шахснинг соғлиғига тиббиёт ходимлари ва хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари ўз касбий мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Зарарнинг ўрнини қоплаш айбдор шахсларни қонунга мувофиқ жавобгарликдан озод қилмайди.

**24-модда. Низоларни ҳал этиш**

Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**25-модда. Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**26-модда. Айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш**

Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган **"Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишнинг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида"**ги 816-I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 213-модда);

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган **"Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишнинг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида"**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида"ги 817-I-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 214-модда);

3) Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 24 майда қабул қилинган **"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида"**ги ЎРҚ-248-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 5, 179-модда) 3-моддаси.

**27-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**28-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2013 йил 23 сентябрь
№ ЎРҚ-353



Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

# Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2013 йил 7 июнда қабул қилинган
Сенат томонидан 2013 йил 22 августда маъқулланган

## 1-боб. Умумий қоидалар

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Буклаш жойи

**3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**одамнинг иммунитет танқислиги вируси (ОИВ)** — одамнинг сурункали юқумли иммунитет танқислиги касаллигини қўзғатувчи;

**ОИВ инфекцияси** — одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган сурункали юқумли иммунитет танқислиги касаллиги;

**ОИВни юқтириб олганлар** — одамнинг иммунитет танқислиги вирусини юқтириб олган шахслар;

**орттирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС)** — одамнинг иммунитет танқислиги вируси одамнинг иммун тизимини шикастлаши натижасида касаллик белгилари келиб чиқадиган ОИВ инфекциясининг сўнгги босқичи.

## 2-боб. ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасининг давлат томонидан тартибга солиниши

**4-модда. ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари**

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш бўйича ягона тизимнинг фаолият кўрсатишини таъминлаш;

ОИВ инфекцияси профилактикаси, ОИВ инфекциясига ташхис қўйиш, ОИВни юқтириб олганларни бепул махсус даволаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш;

ОИВ инфекциясига ташхис қўйиш ва уни даволаш воситалари билан таъминлаш, шунингдек ташхис қўйиш, даволаш ва илмий мақсадларда фойдаланиладиган тиббий препаратларнинг, биологик суюқликларнинг хавфсиз бўлиши устидан назоратни амалга



Қирқиш жойи

зарур бўлган ҳолларда ОИВ инфекцияси бўйича эпидемик вазият мураккаблашувининг олдини олиш юзасидан қўшимча тадбирлар ишлаб чиқади;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика ОИТСга қарши курашиш маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ОИТСга қарши курашиш маркази, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармаларининг ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг ОИТСга қарши курашиш марказлари, шунингдек туманлараро ОИВ инфекциясига ташхис қўйиш лабораториялари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирларни кўради, уларни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга кўмаклашади;

ОИВ инфекцияси профилактикаси, ОИВ инфекциясига ташхис қўйиш ва уни даволашнинг инсон соғлиғи учун хавфсиз бўлган усулларини амалиётга жорий этиш бўйича тавсияларни ўрганади ва ишлаб чиқади;

халқаро ва чет эл ташкилотлари билан ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш бўйича ўзаро алоқани, Ўзбекистон манфаатларига мос келадиган ҳамкорлик ўрнатилишини таъминлайди.

Республика комиссиясининг фаолиятини ташкил этиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

**11-модда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика ОИТСга қарши курашиш маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ОИТСга қарши курашиш маркази, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармаларининг ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг ОИТСга қарши курашиш марказлари фаолияти**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика ОИТСга қарши курашиш маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ОИТСга қарши курашиш маркази, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармаларининг ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг ОИТСга қарши курашиш марказлари (бундан буён матнда ОИТСга қарши курашиш марказлари деб юритилади) ОИВ инфекцияси профилактикаси, ОИВ инфекциясига ташхис қўйиш ва уни даволаш бўйича аҳолига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни, шунингдек тиббиёт муассасаларини услубий жиҳатдан таъминлаш ҳамда улар фаолиятига ОИВ инфекцияси профилактикаси, ОИВ инфекциясига ташхис қўйиш ва уни даволашнинг замонавий усулларини жорий этишни амалга оширади.

ОИТСга қарши курашиш марказлари:

ОИВ инфекцияси ва у билан боғлиқ касалликлар тарқалишига қарши курашиш бўйича профилактика, эпидемияга қарши, ташхис қўйиш, даволаш тадбирларини амалга оширади;

ОИВ юқишининг жадаллигига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг фаоллигини баҳолаш бўйича махсус эпидемиологик тадқиқотлар ўтказади;

ОИВ инфекцияси профилактикаси, ОИВ инфекциясига ташхис қўйиш ва уни даволашнинг инсон соғлиғи учун хавфсиз бўлган усулларини ўрганади ҳамда амалиётга жорий этади;

ОИВни юқтириб олганларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартибини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;

ОИВни юқтириб олганлар ўз соғлиғи ва меҳнат қобилиятини сақлаб қолиши учун зарур бўлган ташхис қўйишни амалга оширади ҳамда уларга тиббий ёрдам кўрсатади;

ОИВ инфекциясига ва у билан боғлиқ касалликларга ташхис қўйиш ҳамда уларни даволашни амалга оширувчи муассасаларга услубий ёрдам кўрсатади;

профилактика, ташхис қўйиш ва даволаш тадбирлари учун ажратилган маблағлардан мақсадли ҳамда самарали фойдаланилишини таъминлайди;

Ўзбекистонда ОИВ инфекцияси профилактикаси, ОИВ инфекциясига ташхис қўйиш ва уни даволаш учун қўлланиладиган усулларни таҳлил қилишни амалга оширади, шунингдек уларнинг самарадорлигини баҳолайди;

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи тиббиёт ходимларини ва бошқа ходимларни тайёрлашда, қайта тайёрлашда ҳамда



уларнинг малакасини оширишда иштирок этади.

ОИТСга қарши курашиш марказлари фаолиятини ташкил этиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

**12-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги иштироки**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар:

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашишга доир тадбирларни ўтказишда, ОИВни юқтириб олганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини амалга ошириш ҳамда ҳимоя қилишда;

ОИВни юқтириб олганларга ёки уларнинг қонуний вакилларига ўз ваколатлари доирасида ҳуқуқий, услубий ёрдам, ахборот ёрдами ва бошқа ёрдам кўрсатишда;

аҳоли ўртасида ОИВ инфекцияси профилактикаси масалалари бўйича ахборот-тушунтириш ишларини маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда ташкил этиш ҳамда ўтказишда иштирок этиши мумкин.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашишга доир бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

## 3-боб. ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашишга доир чора-тадбирлар. ОИВни юқтириб олганларга тиббий ёрдам кўрсатиш

**13-модда. ОИВга тиббий текширувдан ўтказиш**

ОИВга тиббий текширувдан ўтказиш текширувдан ўтаётган шахснинг соғлиғи ҳолатини ўрганиш ва баҳолашдир, бунда ОИВ мавжудлиги ёхуд мавжуд эмаслиги аниқланади.

ОИВга тиббий текширувдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган нормалар ва қоидаларга мувофиқ барча даволаш-профилактика муассасаларида ихтиёрий, мажбурий ёки ғайриихтиёрий тартибда амалга оширилиши мумкин.

ОИВга тиббий текширувдан ўтказишда текширувдан ўтаётган шахс билан дастлабки ва кейинги маслаҳатлашув амалга оширилади.

Вояга етмаганларни ва муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларни ОИВга тиббий текширувдан ўтказиш уларнинг қонуний вакиллари розилиги билан амалга оширилади.

Давлат соғлиқни сақлаш тизимининг лабораториялари томонидан ўтказиладиган текширувларнинг ОИВ мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисидаги натижаси текширувдан ўтаётган шахсга унинг илтимосига кўра, вояга етмаганларга ва муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларга эса, уларнинг қонуний вакилларига дастлабки маслаҳатлашувни амалга оширган даволаш-профилактика муассасасида берилади.

Текширувдан ўтаётган шахсда ОИВ аниқланган тақдирда, у билан кейинги маслаҳатлашув ўтказилади ҳамда у диспансер ҳисобига қўйилади, мазкур шахс ўзга шахсларга ОИВ инфекциясини юқтирганлик учун жиноий жавобгарлик тўғрисида ёзма равишда огоҳлантирилади.

Вояга етмаганларда ва муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларда ОИВ аниқланган тақдирда, тиббий муассасалар ходимлари бу ҳақда уларнинг қонуний вакилларини ҳамда вояга етмаганлар ёхуд муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар турган муассаса раҳбарини хабардор қилади.

Тиббий текширувдан ўтказиш натижаларига кўра ўзида ОИВ аниқланган шахслар қон, биологик суюқликлар донори бўлиши мумкин эмас.

Текширувдан ўтаётган шахснинг илтимосига кўра ОИВ мавжуд эмаслиги тўғрисида сертификат берилиши мумкин. ОИВ мавжуд эмаслиги тўғрисида сертификат бериш

оширишш;

ОИВ инфекцияси тарқалиши устидан эпидемиологик назоратни амалга ошириш;

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш чора-тадбирлари тўғрисида аҳолини мунтазам равишда хабардор қилиб бориш;

ОИВ мавжудлиги ёхуд мавжуд эмаслигини аниқлаш мақсадида аҳолини бепул, хавфсиз ва махфий тиббий текширувдан ўтказиш учун шароитлар яратиш;

ОИВни юқтириб олганларнинг умрини узайтириш ва турмуши сифатини оширишга, уларнинг ўлимини камайтиришга доир тадбирларни амалга ошириш;

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

**5-модда. ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасида давлат бошқаруви**

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасида давлат бошқарувини қуйидагилар амалга оширади:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари.

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш бўйича фаолиятни қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа давлат органлари ҳам амалга ошириши мумкин.

**6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурлари ишлаб чиқилиши, тасдиқланиши ва амалга оширилишини таъминлайди;

одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларининг бажарилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш тартибини белгилайди;

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашишга доир тадбирларни мувофиқлаштириш бўйича республика комиссиясининг фаолиятини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**7-модда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги даволаш-профилактика муассасалари фаолиятини мувофиқлаштиради ва уларнинг ўзаро алоқаларини таъминлайди;

ОИВ инфекцияси тарқалиши устидан эпидемиологик назоратни амалга оширади;

ОИВни юқтириб олганларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартибини белгилайди;

даволаш-профилактика муассасалари фаолиятига ОИВ инфекцияси профилактикасига доир замонавий чора-тадбирлар, ОИВни юқтириб олганларга ташхис қўйиш, уларни даволаш ҳамда парваришлаш усуллари жорий этилишини таъминлайди;

ОИВ инфекцияси бўйича эпидемик вазиятни ҳамда ОИВ инфекциясига ташхис қўйиш ва уни даволаш борасида қўлланилаётган усуллар самарадорлигини баҳолашга доир тадқиқотларни ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика ОИТСга қарши курашиш маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ОИТСга қарши курашиш маркази, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармаларининг ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг ОИТСга қарши



ОИВни юқтириб олганларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш бўйича ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатувчи, шунингдек профилактика тадбирларини ва эпидемияга қарши тадбирларни амалга оширишни таъминловчи тиббиёт ходимларига қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар берилади.

### 4-боб. ОИВни юқтириб олганларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш

**19-модда. ОИВни юқтириб олганларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

ОИВни юқтириб олганлар:

ОИВга тиббий текширувдан ўтказиш натижаларини ва ОИВ тарқалишининг олдини олишга доир тавсиялар олиш;

ўз ҳуқуқлари тўғрисида, ўзидаги мавжуд касалликларнинг хусусияти ва тиббий ёрдам кўрсатишда қўлланиладиган усуллар ҳақида ахборот олиш;

ўзига нисбатан инсонпарварлик муносабатида бўлиниши;

психологик ёрдам олиш ҳуқуқига эга.

ОИВни юқтириб олганлар:

тиббиёт ходимлари томонидан тавсия этилган ОИВ инфекциясини тарқатмасликка доир чора-тадбирларни бажариши;

соғлом одамлар билан мулоқотда эҳтиёт чораларига риоя этиши;

жинсий шеригини, шунингдек тери ва шиллиқ қатламларнинг яхлитлигини бузувчи муолажаларда санчиладиган ва кесадиган асбоблардан фойдаланадиган тиббиёт ходимларини ва хизмат кўрсатиш соҳаси ходимларини ўз касаллиги тўғрисида хабардор этиши шарт.

ОИВни юқтириб олганлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва уларнинг зиммасида ўзга мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

**20-модда. ОИВни юқтириб олганларни ижтимоий муҳофаза қилиш**

ОИВни юқтириб олганлар бепул махсус даволанади.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган ОИВни юқтириб олганлар, касаллик босқичидан қатъи назар, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳар ойлик ижтимоий нафақа ва ногирон болалар учун имтиёзлар олиш ҳуқуқига эга.

ОИВни юқтириб олган болаларнинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ишдан вақтинча озод қилинган ва вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик нафақасини олган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда болалар билан бирга даволаш-профилактика муассасасида стационар шароитларда бўлиш ҳуқуқига эга.

Қонун ҳужжатларида ОИВни юқтириб олганларни ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий муҳофаза қилишнинг бошқа чора-тадбирлари ҳам белгиланиши мумкин.

**21-модда. ОИВни юқтириб олганларнинг ҳуқуқлари чекланишига йўл қўймаслик**

ОИВни юқтириб олганларда ОИВ инфекцияси мавжудлигини асос қилиб, улар билан меҳнат шартномасини бекор қилишга, уларни ишга қабул қилишни рад этишга, бундан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган рўйхатда назарда тутилган айрим касбий фаолият турлари мустасно, таълим муассасаларига, бундан таълим муассасаларининг қонун ҳужжатларида белгиланган айрим турлари мустасно, ва тиббий ёрдам кўрсатувчи муассасаларга қабул қилишни рад этишга, шунингдек уларнинг бошқа ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини чеклашга, худди шунингдек улар оила аъзоларининг турар жой ҳуқуқларини, бошқа ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини чеклашга йўл қўйилмайди.

### 5-боб. Якунловчи қоидалар

**22-модда. ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш бўйича фаолиятни молиялаштириш**



Буклаш жойи

Қирқиш жойи

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, фақат ОИТСга қарши курашиш марказларида ҳақ эвазига амалга оширилади.

**14-модда. Ихтиёрий равишда ОИВга тиббий текширувдан ўтказиш**

Ихтиёрий равишда ОИВга тиббий текширувдан ўтказиш текширувдан ўтаётган шахснинг хоҳишига кўра, махфийликка риоя этилган ҳолда амалга оширилади. Текширувдан ўтаётган шахснинг илтимосига кўра ихтиёрий равишда ОИВга тиббий текширувдан ўтказиш аноним бўлиши мумкин.

**15-модда. Мажбурий равишда ОИВга тиббий текширувдан ўтказиш**

Қуйидагилар мажбурий равишда ОИВга тиббий текширувдан ўтказилиши керак:

қон, биологик суюқликлар донорлари;

эллик ёшгача бўлган никоҳланувчи шахслар;

ҳомиладор аёллар;

инъекция орқали гиёҳвандлик воситаларини истеъмол этишда гумон қилинаётган шахслар;

ОИВни юқтириб олган оналардан туғилган болалар;

ўз фаолиятида қон, биологик суюқликлар, одам органлари ва тўқималари билан ишловчи тиббиёт ходимлари;

жинсий шеригида ОИВ аниқланган шахслар.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишувга кўра рўйхати белгиланадиган айрим касбларда ишловчи ходимлар ишга кираётганда, дастлабки ва даврий тиббий кўриклардан ўтаётганда мажбурий равишда ОИВга тиббий текширувдан ўтади.

**16-модда. Ғайриихтиёрий равишда ОИВга тиббий текширувдан ўтказиш**

Текширувдан ўтаётган шахсни ғайриихтиёрий равишда ОИВга тиббий текширувдан ўтказиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда унинг розилигисиз ёки қонуний вакилининг розилигисиз суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарорига ёки суд ажримига кўра амалга оширилади.

**17-модда. ОИВни юқтириб олганларга тиббий ёрдам кўрсатиш**

ОИВни юқтириб олганларга тиббий ёрдам кўрсатиш улар ОИТСга қарши курашиш марказларида ва даволаш-профилактика муассасаларида яшаш жойи бўйича диспансер ҳисобига қўйилганидан кейин амалга оширилади.

ОИВни юқтириб олганларга тиббий ёрдам кўрсатиш ОИВ инфекциясини махсус даволашни, шунингдек ОИВ инфекцияси билан боғлиқ касалликлар ривожланишининг олдини олишни, уларга ташхис қўйиш ҳамда уларни даволашни ўз ичига олади.

ОИВни юқтириб олганларни бепул махсус даволаш касаллик босқичига қараб, даволаш комиссиясининг хулосасига кўра ОИТСга қарши курашиш марказларида, даволаш-профилактика муассасаларининг ОИВни юқтириб олганларга мўлжалланган бўлинмаларида тайинланади.

ОИВни юқтириб олганларга ОИВ инфекцияси билан боғлиқ касалликлар ривожланишининг олдини олиш, уларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш учун тиббий ёрдам кўрсатиш ОИТСга қарши курашиш марказлари томонидан бошқа даволаш-профилактика муассасалари билан биргаликда амалга оширилади.

ОИВни юқтириб олган шахсда ОИВ инфекцияси билан боғлиқ бўлмаган касалликлар аниқланган тақдирда, тегишли ихтисослашган даволаш-профилактика муассасасида амбулатория ёки стационар шароитларда тиббий ёрдам кўрсатилади.

**18-модда. Ўз хизмат вазифаларини бажараётганда ОИВ инфекцияси юқиши хавфи остида бўлган тиббиёт ходимларини ижтимоий муҳофаза қилиш**

Тиббиёт ходимларининг ўз хизмат вазифаларини бажараётганда уларга ОИВ инфекцияси юқиши касб касалликлари тоифасига киради.



курашиш марказлари, шунингдек туманлараро ОИВ инфекциясига ташхис қўйиш лабораториялари замонавий даволаш-ташхис қўйиш асбоб-ускуналари билан жиҳозланишини таъминлайди;

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашишга доир фаолиятни амалга оширувчи тиббиёт ходимларини ва бошқа ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлашни ҳамда уларнинг малакаси оширилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**8-модда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

жазони ижро этиш муассасаларидаги ОИВ инфекциясини юқтириб олганларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун шароитларни таъминлайди;

ички ишлар органлари ва муассасалари ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги мутахассислар билан тўлдирилишини, шунингдек уларнинг малакаси оширилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**9-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги ҳудудий дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ОИТСга қарши курашиш марказини, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармаларининг ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг ОИТСга қарши курашиш марказларини, шунингдек туманлараро ОИВ инфекциясига ташхис қўйиш лабораторияларини замонавий даволаш-ташхис қўйиш асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш ҳамда уларни таъмирлаш-реконструкция қилиш ишларини амалга оширишда иштирок этади;

аҳоли ўртасида ОИВ инфекцияси профилактикаси масалалари бўйича ахборот-тушунтириш ишларини ташкил этиш ва ўтказишда иштирок этади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**10-модда. ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашишга доир тадбирларни мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси**

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашишга доир тадбирларни мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси (бундан буён матнда Республика комиссияси деб юритилади) давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан ўтказиладиган ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашишга доир тадбирларни мувофиқлаштиришни амалга оширади.

Республика комиссияси:

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқади ва уларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

ОИВ инфекцияси тарқалишига сабаб бўладиган ғайриижтимоий ҳолатларга барҳам беришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқади, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади, шу мақсадда аҳоли ўртасида ОИВ инфекцияси профилактикаси масалалари бўйича ахборот-тушунтириш ишларини ўтказади;

Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки унинг айрим жойларида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш бўйича ўтказилаётган тадбирлар мониторингини ҳамда уларни доимий равишда ҳар томонлама баҳолашни амалга оширади,

# Тезкор-қидирув тадбирларининг тушунчаси ва моҳияти

*Жамиятда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, юридик ва жисмоний шахслар мол-мулкининг ҳимоя қилиниши, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олиш, аниқлаш ҳамда фош этишда тезкор-қидирув фаолияти жуда муҳим ўрин тутади.*

**Шуҳрат АБАКУЛОВ,**
СВОЖЖДЛКК департаментининг криминалистика лабораторияси катта криминалисти

Мамлакатимизда 2012 йил 25 декабрда қабул қилинган "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасида тезкор-қидирув фаолияти махсус ваколат берилган давлат органларининг тезкор бўлимлари томонидан тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиш орқали амалга ошириладиган фаолият тури, деб белгиланган.

Тезкор-қидирув тадбирлари — тезкор-қидирув фаолиятининг ажралмас таркибий қисми сифатида намоён бўлиб, бир-бири билан боғлиқ бўлган ҳаракатлардан ташкил топган ва тактик жиҳатдан ҳал қилиниши лозим бўлган вазифаларни амалга оширишга қаратилгандир.

Тезкор-қидирув фаолияти назариясида, тезкор-қидирув тадбирлари — қонун нормалари билан мустаҳкамланган, ваколатли субъектлар томонидан тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларини ҳал қилиш учун ҳақиқий маълумотларни аниқлаш, қайд қилиш ва тўплашга қаратилган ошкора ва ноошкора усуллар ҳамда воситалар асосида ўтказиладиган ҳаракатларнинг жами мажмуаси, деб таърифланган.

Тезкор-қидирув тадбирлари ўз моҳиятига кўра, разведик-излов характерга эга бўлиб, жиноий нияти пайдо бўлган ва жиноятга тайёргарлик кўраётган, жиноят содир этаётган ёки содир этган шахслар, қонунга хилоф ҳаракатлар оқибатида қолдирилган излар, шунингдек, суриштирув, тергов ва суд органларидан яширинган, жазони ўташдан бўйин товлаётган ва бедарак йўқолган шахслар ҳақида ҳақиқий маълумотларни аниқлаш, қўлга киритиш ва қайд қилиш каби вазифаларни ўз ичига қамраб олади.

Ҳар қандай тадбир ички моҳиятига кўра, бир-бирига боғлиқ бир неча ўзига хос мантиқий ҳаракатлардан ташкил топади. Тезкор-қидирув тадбирлари ҳам бир неча тезкор-қидирув ҳаракатлардан иборат бўлиб, тезкор-қидирув тадбирларнинг ички мазмунини ташкил қилади ва ўзининг хусусиятларига кўра, асосий ва ёрдамчи ҳаракатларга ажратилади.

Ушбу тадбирларни тизимли ёндашиш орқали кўриб чиқишда, уларнинг ўзаро боғлиқлиги бўйича қуйидаги таркибий қисмларга ажратиш мумкин: 1) объект; 2) мақсад; 3) мазмун; 4) уларни ўтказиш субъектлари; 5) уларнинг самарадорлигини оширишга йўналтирилган ташкилий усулларнинг комплекси; 6) ахборот-техникавий таъминланиши.

Жиноятга тайёргарлик кўраётган, жиноят содир этаётган ёки содир этган шахслар, шунингдек, суриштирув, тергов ва суд органларидан яширинган, жазони ўташдан бўйин товлаётган ва бедарак йўқолган шахслар тезкор-қидирув тадбирларининг объектлари сифатида кўрилади. Бундан ташқари, гумон қилинаётган шахс ҳақидаги ҳақиқий маълумотларни ўз ичига олган криминал воқеа ва ҳодисалар ҳамда жиноят содир этишга мойиллиги бор шахслар тўпланадиган манзиллар ва жойлар ҳам тезкор-қидирув тадбирларининг объектлари бўлиши мумкин.

Тезкор-қидирув тадбирларининг мақсади — прогноз қилинадиган натижага эришишдир. Тезкор-қидирув фаолиятининг умумий ва хусусий (оралиқдаги) вазифаларини ҳал қилишга аниқ ва ҳақиқий маълумотлар тўплаш орқали эришилади.

Гумон қилинувчининг криминал алоқалари, жиноий йўл билан қўлга киритилган нарсаларни ўтказиш жойлари, жиноят қуролига эга бўлиш, тезкор-қидирув профилактикаси ўтказишнинг йўналишларини белгилаш, тезкор-аҳамиятли ахборотга эга бўлган шахсларни аниқлаш юзасидан маълумотларни қўлга киритиш, хусусий вазифаларни ҳал қилишни ўз ичига олади.

Тезкор-қидирув тадбирларининг мазмуни тезкор-қидирув тадбирлар тузилишининг муҳим элементи ҳисобланади. Ҳар бир тезкор-қидирув тадбирининг мазмуни маълум ҳаракат ва усулларнинг бирикмасини ташкил этиб, асосий мақсадга эришиш учун янги маълумотларни қўлга киритишга йўналтирилган бўлади. Шунинг учун ҳам, ўқув адабиётларда тезкор-қидирув тадбирлари баъзида тезкор-қидирув маълумотларни йиғиш усуллари, деб аталади. Ушбу тадбирларнинг самарадорлиги энг аввало, тезкор ходим томонидан алоҳида ҳаракатларни моҳирлик билан амалга ошириши, шу жумладан, ўз ичига қамраб олган конспирация усулларига ва ҳақиқий маълумотларни йиғиш, қайд қилиш, текшириш ва улардан фойдаланиш услубларига боғлиқдир.

Қонунчиликда тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда фойдаланилаётган ёки фойдаланилган кучлар, воситалар, манбалар, усуллар, шунингдек, тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тактикаси ҳақидаги маълумотлар давлат сирини ташкил этиши қайд қилинган. Шунинг учун ҳам, тезкор-қидирув тадбирларини сир сақлаган ҳолда ўтказиш алоҳида аҳамият касб этади. Тезкор-қидирув тадбирларини бундай ҳолда ўтказиш зарурияти, энг аввало, жиноятларни аниқлаш ва фош этиш жараёнига криминоген муҳитнинг фаол қарши ҳаракат қилишнинг олдини олишга қаратилганлиги билан боғлиқдир.

Тезкор-қидирув тадбирларининг субъектлари сифатида икки гуруҳ: яъни бундай тадбирларни бевосита ташкиллаштираётган (тезкор ходимлар) ва унинг ўтказилишига жалб қилинаётган (конфиденциал ходимлар, мутахассислар ва бошқалар) шахслар назарда тутилади.

Жиноятчиликка қарши курашиш амалиёти шуни кўрсатадики, тезкор-қидирув чуқур, ҳар томонлама ва реал таҳлилларга асосланган ҳолда аниқ ва режали бўлиши мумкин.

Тезкор-қидирув фаолияти назариясида тезкор-қидирув тактикаси билан икки даражадаги ўзаро боғланган вазият намоён этилган. Тезкор бўлимларнинг фаолияти (асосан бошқарув-ташкиллаштириш характерига эга бўлган) аниқ бир ҳудудда муайян вақтда юзага келган жиноятчилик ҳолати билан боғланиши, биринчи даражадаги вазиятни ўз ичига қамраб олади. Тезкор-қидирув тактикасида бундай вазият, бошқарув-ташкиллаштириш даражадаги вазият, деб ҳисобланади ва бунда тезкор-қидирув тадбирининг ўтказилиши юзасидан зарур ташкилий ишлар режаллаштирилади ҳамда уларни амалга оширишга тегишли тайёргарлик кўрилади.

Тезкор-қидирув амалиётининг таҳлили шундан гувоҳлик берадики, режаллаштирилаётган тезкор-қидирув тадбирининг турини танлаш ва унинг самарали ўтказилишига қуйидагилар таъсир кўрсатиши мумкин:

1) тезкор таркибнинг касбий тайёргарлик даражаси;

2) ижрочилар таркибининг сон жиҳати (битта тезкор ходим, унга кўмаклашаётган шахслар, тезкор гуруҳ);

3) тезкор-қидирув муносабатларга жалб қилинган шахслар устидан моҳирлик билан раҳбарлик қилиш;

4) тадбирнинг тайёргарлик даражаси (гумон қилинувчи, содир этилган жиноятнинг усули, ғайриқонуний ҳаракатларнинг изларини яшириш йўллари ҳақида тезкор маълумотларнинг мавжудлиги);

5) тезкор-қидирув тадбирининг объекти унга нисбатан ўтказилаётган тадбирга фаол қаршилик кўрсатишга тайёргарлиги (руҳий тайёргарлиги, тезкор-қидирув фаолиятининг усулларидан хабардорлиги, қарши ҳаракатлар уюштириши ва ҳоказо);

6) тезкор-қидирув тадбирининг ўтказилиши натижасида қўлга киритилган маълумотлардан жиноят процессида фойдаланиш мумкинлигига боғлиқ бўлган ҳолатлар.

Тезкор-қидирув тадбирининг самарадорлигини оширишда уларни ўтказиш жараёнида ахборот-техника воситалари билан таъминланганлиги муҳим аҳамият касб этади. Бу мақсадларда тезкор бўлимларнинг ходимлари "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг 12-моддасида назарда тутилган:

— тезкор-қидирувга мўлжалланган ахборот тизимларидан, шу жумладан, ахборот ва криминалистика ҳисоблари, компьютерлаштирилган базада ташкил этилган турли хил ахборот массивлардан (картотекалар, автоматлаштирилган банк ахборотлари, ахборот-излов системалари);

— шахсларнинг яққол ғайриқонуний ҳаракатларини қайд қилиш мақсадида, шунингдек, муайян криминал ҳодисаси билан боғлиқ бўлган воқеа ёки фактларни видео ва аудиоёзув, кино ва фотосуратга олиш воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Тезкор-қидирув тадбирларининг давом этиш вақти бўйича: қисқа вақтли (сўров, қиёсий текширув учун намуналар йиғиш, шахснинг айнанлигини аниқлаш ва ҳоказо) ҳамда узоққа чўзилган (почта жўнатмаларини, телеграф хабарларини ва бошқа хабарларни назорат қилиш; телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиш; назорат остида етказиб бериш ва ҳоказо) тадбирларга ажратилади.

Юқорида зикр этилган фикрларни умумлаштириб, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тезкор-қидирув тадбирлари аниқ бир мақсадга йўналтирилганлиги, ички структуралилиги, амалга оширилишининг ўзига хос хусусиятлари, легитимлиги ва қонунийлиги билан тавсифланади.

# Тадбиркорликда қонунчилик имтиёзлари

*Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш адлия органларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.*

**Гули ҲОЖИБОЕВА,**
«Ниқиқ»

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши билан Адлия вазирлиги ҳамкорлигида "Хорижий сармоя ва хусусий тадбиркорликда қонунчилик имтиёзлари" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Анжуманда сўзга чиққанлар Президентимиз томонидан қабул қилинган "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари" тўғрисидаги ҳамда "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонлари бу соҳадаги ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берганлигини эътироф этишди.

Тадбирда журналистларга ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилашга қаратилган қонунчилик ва уларда белгиланган кафолат ва имтиёзлар, тадбиркорликка янада кенг эркинлик беришга йўналтирилган фаолиятни амалга ошириш бўйича 2013-2014 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар Дастурида белгиланган вазифалар юзасидан батафсил маълумот берилди.




# Юрт тарозиси

Алишер ҲУСАИНОВ,
Наманган вилоят прокурори

/Давоми. Бошланиши 1-бетда/

Вилоятда йилнинг ўтган даври мобайнида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси бўйича 114 маротаба текшириш ўтказилди. Текширишлар натижасига кўра, қонунга мувофиқ бўлмаган қарорларни бекор қилиш юзасидан 327 та протест келтирилиб, қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш бўйича 280 та тақдимнома киритилди. 1274 нафар шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди.

Фуқаролар манфаати хусусида гап кетганда, бандлик масаласи биринчи ўринга чиқади. Чунки у нафақат фаровонлик ва аҳоли турмуш тарзини юксалтиришда, балки жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам ҳокимликлар, меҳнат бўлимлари ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда меҳнат ярмаркалари ўтказиб бориш, янги иш ўринлари яратиш доимий эътиборимизда. Шунингдек, меҳнат органларига мурожаат этмаган ва меҳнатга лаёқатли шахсларни аниқлаш, уларни рўйхатдан ўтказиш ҳамда ҳисобини юритиш масалалари ҳам диққат марказимизда турибди.

Жорий йилнинг 8 ойида маҳаллий ҳокимлик ва прокуратура органлари кўмагида 61 та бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказилиб, уларга 21 минг 685 нафар иш билан банд бўлмаган фуқаролар жалб этилган.

Бироқ прокуратура органлари томонидан ўтказилган текширишлар янги иш ўринлари яратиш бўйича тузилган дастурнинг ижроси айрим бандликка кўмаклашиш марказлари томонидан лозим даражада амалга оширилмаётганлиги, ҳудудларда янги иш ўринлари яратиш, шунингдек, ишсиз, деб рўйхатга олинган фуқароларнинг ишга жойлаштирилганлиги ҳақида сохта маълумотлар тузиш йўли билан бажариб келинганлигини кўрсатди.

Бундан ташқари, юқоридаги дастурга асосан иш ўринлари яратиш кўзда тутилган хўжалик юритувчи субъектларда умуман янги иш ўринлари яратилмаган. Аксинча, мустақил равишда иш ўринларини ташкил қилган корхоналар кейинчалик йиғилиш баённомаларига асосан сунъий равишда дастурга киритилган. Хўш, бу билан кимни алдамоқчимиз?! Ахир халқимизнинг турмуш даражасини ошириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётган кунларда бу каби кўзбўямачиликлар кимга керак?

Вилоят прокуратураси органлари томонидан мазкур соҳада ўтказилган текшириш якунларига кўра, жойларга 25 та тақдимнома юборилди. 104 нафар шахс интизомий, 110 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди. Кўпол қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 3 та жиноят иши қўзғатилди.

Мустақиллик ҳақида гап кетганда, даставвал, меҳр-оқибат, қадр-қиммат каби қадриятлар янада сайқал топгани, ижтимоий муҳофаза масаласи устувор аҳамият касб этганини таъкидлаш лозим. Айни шу жиҳат тараққиётимиз кафолати бўлган тамойиллардан бири сифатида белгиланиб, унинг ҳуқуқий асослари яратилди. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 декабрдаги "Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори шулар жумласига киради. Вилоят прокуратураси мазкур қарор ижросини ўрганар экан, келажимиз эгалари бўлган болалар манфаатлари қандай муҳофаза этилаётгани, уларнинг камолотини кўзлаб ажратилган маблағларни тасарруф этишда адолат тамойилларига қай даражада амал қилинаётганига эътибор қаратмоқда. Қонунбузарлик ҳолатлари аниқланса, ўз вақтида тегишли чоралар кўрилмоқда.

Мазкур соҳада жорий йилнинг 8 ойи давомида 26 та текшириш ўтказилиб, аниқланган қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан жойларга 87 та тақдимнома киритилди. Қонунга зид бўлган 205 та қарорга протестлар келтирилди.

213 нафар масъул шахсларга нисбатан интизомий, 54 нафарига маъмурий, 29 нафарига моддий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди. Етказилган 27,7 млн. сўм зарар ихтиёрий қоплатилди. Комиссиялар томонидан 146,5 млн. сўмлик нафақалар ноқонуний тайинланганлиги аниқланиб, 36 та жиноят иши қўзғатилди. 4999 нафар фуқаронинг бузилган ҳуқуқларининг тикланиши таъминланди.

Шундай текширишлардан бири Косонсой туманидаги "Ёшлик" қишлоқ фуқаролар йиғинида, "Боғишамол" маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилди. Таассуфки, аниқланган ҳолатлар қарор ижросига эътиборли муносабатдан далолат бермайди. Аксинча, МФЙ мансабдор шахслари бир гуруҳ бўлиб, мавкеларини суиистеъмол қилган ҳолда 26 нафар шахсга ноқонуний тарзда 22,7 млн. сўм нафақа тайинлаганлар ҳамда шундан 9,3 млн. сўмини тўлаб юбориб, бюджет маблағларини кўп миқдорда талон-торож этган.

Ҳолатга тегишли ҳуқуқий баҳо берилди. "Боғишамол" МФЙ мутасаддиларига нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди. Зеро, инсон манфаатлари, ёш авлодга кўрсатилаётган ғамхўрлик ҳақида гап кетар экан, бу борада қонунбузарликларга йўл қўйиб бўлмайди.

Келажакка замин, эртанги кун ҳақида ғамхўрлик бугундан бошланади. Яна ҳам аниқроқ айтадиган бўлсак, аёлларга, оналарга ғамхўрликдан бошланади. Зеро, оналар соғлом фарзандларни дунёга келтирувчи, демакки, келажак яратувчиларидир.

Шу маънода, аёлларимизнинг саломатлигини асраш, бўлажак оналар соғлигини, ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишга доир қонунлар ижроси юзасидан ҳам мунтазам текширишлар ўтказиб борилмоқда. Хотин-қизларнинг меҳнат ва бошқа ҳуқуқлари бузилганлиги ҳолатлари аниқланиб, уларнинг ҳуқуқлари тикланишига эришилмоқда.

Мазкур соҳада 2013 йилнинг ўтган даври мобайнида ўтказилган назорат тадбирлари натижасига кўра, қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш ҳақида жойларга 11 та тақдимнома киритилди. 48 нафар шахс интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилди. 39 нафар хотин-қизларнинг ҳуқуқлари тикланишига эришилди.

Афсуски, ўтказилган текширишлар ҳокимлик ва МФЙларда аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий, социал-иқтисодий ва маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, ёшларнинг маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш вазифаларини амалга ошириш чораларининг етарли даражада ташкил этилмаганлигини кўрсатмоқда. Жумладан, Поп туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамда МФЙларнинг диний ва маърифий ишлар бўйича маслаҳатчилари томонидан ишнинг тўғри ташкил этилмаганлиги натижасида тумандаги 475 нафар меҳнатга лаёқатли хотин-қизлар иш билан таъминланмаган.

Соғлик — энг катта бойлик. Усиз кенг дунё кўзимизга тор, ҳашаматли уй-жой, беҳисоб бойликлар ҳам хазондек кўринади, гўё. Соғлом танда — соғ ақл, дейдилар. Бемор кишининг эса на ишида унум, на оиласида тинчи бўлади. Шунинг учун ҳам ҳар қайси давлат фуқароларининг соғлиги ҳақида қайғуришни биринчи галдаги вазифа, деб белгилайди. Чунки жамият равнақи, истиқболи уларнинг саломатлиги билан боғлиқ. Ўтган йиллар давомида мамлакатимизда ҳам соғликни сақлаш масаласига катта эътибор қаратилди. Соҳа равнақига хизмат қилувчи кўплаб меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан "Фуқароларнинг соғлигини сақлаш тўғрисида"ги Қонун ва соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси юзасидан мунтазам равишда назорат тадбирлари олиб борилмоқда.

Мазкур қонунчилик ижроси бўйича ўтказилган мониторингларда қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан жойларга 42 та тақдимнома киритилди. Қонунга зид ҳужжатларга нисбатан 49 та протест келтирилди. 96 нафар шахс интизомий, 117 нафари маъмурий ва 20 нафари моддий жавобгарликка тортилди. Кўпол қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 4 та жиноят иши қўзғатилди. Мисол учун, Уйчи туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи М.Курбонбоев ва бош ҳисобчиси Н.Мўминов 2012 йил ва 2013 йилнинг январь-февраль ойларида штатлар жадвалини тузишда 22 нафар ходимга юқори разряд қўлланиши оқибатида 5,4 млн. сўм иш ҳақларини ортиқча тўлаб юборишган.

Мазкур ҳолат юзасидан туман прокуратураси томонидан уларга нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилди ҳамда жазо муқаррарлиги таъминланди.

Мақсад-муддаомиз, аввало, кишиларда қонунларга ҳурмат ва итоат туйғусини қарор топтириш, уларга амал қилган ҳолда яшаши ҳаёт мезонига айлантиришдир. Зеро, давлатимиз раҳбари айтганидек: "Ҳуқуқий давлатнинг қуроли ҳам, кўзи ҳам, сўзи ҳам қонундир". Биз эса қонун устуворлиги йўлидан бориб, истиқболга эришаяпмиз.

*Истиқлол туфайли ўз сўзимизга, кучимизга, танлаб олган ҳақ йўлимизга, қонунларимизга эга бўлдик. Бугун донишманд халқимиз ўз ақл-заковати, билими ва салоҳиятига ишонган ҳолда ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан жадал одимлаб бормоқда.*

# Фаолиятимизнинг

Ҳар қандай ҳуқуқий давлат биринчи галда қонун устуворлиги тамойилига таянади. Бош Қонунимизда белгилаб қўйилганидек, давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлаш тамойили асосида амалга ошириши шарт. Бу эса прокуратура органлари зиммасига алоҳида масъулият юклаш билан бирга, унинг жамиятдаги нуфузи ошишига ҳам хизмат қилмоқда.

Конституциямизнинг 118-моддасида келтириб ўтилганидек, "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади". Шу нуқтаи назардан, Бош Қонунимизда белгилаб қўйилган қоида ва тамойилларга мувофиқ, бизнинг асосий фаолиятимиз жамиятда қонун устуворлигини қарор топтириш ҳамда улар устидан назорат олиб боришга, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган. Бу борада эса прокуратура органлари изчил фаолият олиб бораётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Маълумки, мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соҳани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида улар жамият тараққиётининг таянчи ва суянчига айланмоқда.

Туман прокуратураси томонидан давлат бошқаруви ҳамда ҳокимликларда кичик бизнес вакиллари ва хусусий тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга оид қарор ҳамда Фармонлар ижроси юзасидан мониторинг ўтказилди. Тадбиркорлар фаолиятига ҳар қандай ноқонуний аралашув ҳамда асос-



## Саҳифаларда Наманган вилояти



# Ёшлар истиқболини кўзлаб

***Илм-маърифат. Истиқбол ва тараққиёт, инсониятнинг орзу-ҳаваслари, умид ва истаклари биргина шу икки сўз замирида мужассам. Зеро, ҳар қандай давлат ва миллатни ёруғ манзилларга элтувчи ҳам, юксалиш поғоналари сари етакловчи ҳам маърифатдир. Шу боис, эртанги кунни ўйлаган мамлакат борки, мактаб ишига, маърифат ишига юксак эътибор билан ёндашади. Шу маънода, бугун мамлакатимизда олиб борилаётган таълим-тарбияга эътибор замирида ёш авлоднинг камоли ҳақида ғамхўрлик, фарзандларимизнинг биздан кўра билимли, доно инсонлар сифатида камол топиб, бахтли-саодатли ҳаёт кечиришлари учун мустаҳкам пойдевор яратиш аҳди устувор.***

**Тоҳиржон ГАФУРОВ,**
Наманган вилояти
прокурорининг катта ёрдамчиси

Буни ҳар битта вилоят, туман ва шаҳар мисолида кўриш мумкин. Биргина таълим тизимидаги бунёдкорлик сабаб, катта шаҳарлардан тортиб, чекка қишлоқлардаги коллеж, мактабларгача замонавий, кўркам қиёфа касб этмоқда. Ёшлар учун таълим, спорт, санъат ва бошқа бир қатор соҳаларда қулай шарт-шароитлар яратилиб, ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Айниқса, вояга етмаганлар ва ёшлар тарбияси, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, маънавиятини юксалтиришга ҳар қачонгидан кўра кўпроқ эътибор қаратилмоқда.

Аҳолининг асосий қисмини ташкил этадиган вояга етмаганларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш борасида юртимизда кучли ҳуқуқий базанинг яратилгани, самарали ижтимоий ҳимоя тизимининг жорий этилгани, замон талабларига мос таълим муассасаларининг барпо этилаётганлиги, бир сўз билан айтганда, вояга етмаганлар ҳамда ёшларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирларнинг амалга оширилаётганлиги бу борадаги ишлар кўлами қай даражада эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

Албатта, бу ўринда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда Юртбошимизнинг қатор фармонлари вояга етмаганлар ва ёшларнинг ижтимоий шаклланиши, камол топиши, ҳар томонлама баркамол бўлиб етишиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан имкон ҳозирлаганини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг 2011-2015 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури" ҳам ана шундай муҳим ҳужжатлар сирасидан. Зеро, мазкур дастур вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари таъминланишида, улар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан ушбу дастур ҳамда бу борадаги бошқа қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш доимий эътиборда. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг 2013 йил 30 майдаги топшириғи ижроси юзасидан ҳам назорат ўрнатилган бўлиб, муайян ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур соҳада прокурор назоратини ташкил этишда асосий эътибор вилоятдаги умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус касб-ҳунар муассасаларида таълим сифатини ҳамда бу жараёнга масъул бўлган шахслар, айниқса, ота-оналарнинг масъулиятини ошириш йўли билан болаларни дарсларга тўлиқ жалб этиш, 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига тўлиқ қамраб олиш ва таълим йўналишини танлашига кўмаклашиш, қизларни эрта турмушга бериш ҳолатларининг олдини олиш, ўқувчиларнинг давомати ва фанларни ўзлаштириш даражасини янада ошириш, битирувчиларни эгаллаган мутахассисликлари бўйича иш билан таъминлашга қаратилмоқда.

Жорий йилда 43805 нафар 9-синф битирувчиларидан 43671 нафари таълимнинг кейинги босқичига (2782 нафари академик лицейларга, 40110 нафари касб-ҳунар коллежларига) жалб этилди. Шунингдек, 2012-2013 ўқув йилида вилоятдаги 107 та касб-ҳунар коллежларини 94 соҳа, 11 йўналиш бўйича 43574 нафар битирувчи тамомлади.

Вилоят прокуратурасининг ташаббуси билан илк бор жойлардаги касб-ҳунар коллежларида битирувчиларга диплом топшириш маросимлари тантанали тарзда ташкил этилди. Унда ҳокимлар, прокурор ва ИИБ бошлиқлари иштирок этиб, ёшларга диплом топшириш баробарида, уларга эзгу тилаклар билдиришди. Бундан ташқари, мазкур тадбирларда 9348 нафар коллеж битирувчиларига ишга жойлашганлик ҳақидаги буйруқ, меҳнат шартномаси ва меҳнат дафтарчаси ҳам топширилди.

Вилоят прокурори топшириғидан келиб чиқиб, вилоят прокуратурасида яратилган электрон маълумотлар базасида белгиланган тартибда ҳар бир ўқувчининг исми-шарифи, дипломи, иш берувчининг буйруғи ҳамда меҳнат дафтарчаси рақамлари акс эттирилган маълумотлар киритиб борилмоқда. Бу эса, ўз навбатида коллеж битирувчиларининг ишга жойлашганлиги ҳақидаги ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Қайд этиш жоизки, жорий йилда коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш мақсадида шаҳар ва туман прокурорларининг ташаббуси билан 61 та меҳнат ярмаркалари ўтказилиб, уларда 13666 нафар ёшлар иштирок этди ва 5062 нафари ишга жойлаштирилди. Масалан, Чуст туман прокуратураси ташаббуси билан шу йилнинг 25 июлида тумандаги Маиший хизмат касб-ҳунар коллежида мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. 29 та корхона-ташкилотлар ўзларидаги мавжуд 251 та иш ўринлари билан иштирок этган ушбу тадбир натижасига кўра, 53 нафар коллеж битирувчилари ишга қабул қилинди.

Юқоридаги каби амалга оширилаётган ишлар билан бир қаторда, битирувчиларни хусусий бизнес ва тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш устидан ҳам прокурорлик назорати кучайтирилган. Бу борадаги ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини мунтазам ўрганиб бориш, микрокредит олиш истагини билдирган битирувчиларга кредитлар ажратилишида банк муассасаларининг масъулиятини ошириш борасида ҳам назорат тадбирлари давом эттирилмоқда.

Жорий йилда 287 нафар битирувчига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун 2 млрд. 674 млн, сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилиб, олинган кредитлар ҳисобидан 338 та иш ўринлари яратилди. Шунингдек, вилоят прокуратураси органлари томонидан вояга етмаганларнинг соғлигини сақлаш, таълим тўғрисидаги қонунлар ижроси, тарбиявий масалалар юзасидан ҳам текширишлар ўтказилиб, қонунбузилиши ҳолатларига чек қўйилмоқда. Вилоятда эрта никоҳнинг олдини олиш мақсадида битирувчи қизларга маҳалладаги нуроний онахонлар бириктирилиб, улар иштирокида якка тартибда суҳбатлар олиб борилмоқда. Натижада, 2013 йилнинг 8 ойи мобайнида лицей ва коллеж ўқувчилари ўртасида 77 та эрта никоҳнинг олди олинди.

Ўсмир ёшдаги болалар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, турли ёт ғоялардан, "оммавий маданият" таъсиридан асраш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш каби масалалар ҳам доимий эътиборимизда. Бу борада вилоятдаги бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Албатта, бу каби самарали чора-тадбирлар вояга етмаганлар ҳуқуқ ва манфаатларининг муносиб ҳимоясини таъминламоқда.

Зотан, ёшлар келажагимиз эгалари экан, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари устуворлигини бир лаҳза бўлсин, эътибордан четда қолдириб бўлмайди.

# асосий мезони

**Шухратжон ҚОСИМОВ,**
Уйчи туман прокурори

сиз текширишлар ўтказилишининг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширилган мазкур назорат тадбирларида бир нечта ҳолатда тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг бузилганлиги аниқланди. Хусусан, туман ҳокимлиги, тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси, ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими, архитектура ва қурилиш ҳамда ветеринария бўлимларида тадбиркорлардан келиб тушган ариза ва мурожаатларнинг ҳал этилиши ҳолати ўрганилганда, бир қатор қонунбузилишлар аниқланди.

Масалан, туманда истиқомат қилувчи фуқаро Д.Отахонов транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатувчи якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш мақсадида туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясига ариза берган бўлса-да, унинг мурожаати рўйхатга олинмаган. Шунингдек, Норин тумани, Норинкапа ҚФЙда яшовчи фуқаро А.Қосимов балиқчилик йўналишида фермер хўжалиги ташкил этиш ниятида туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимига мурожаат этган. Бироқ унинг аризаси эътиборсиз қолдирилиб, ҳал этилмаган.

Текширувлар давомида бу каби қонунбузарликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланиб, хизмат вазифасига масъулиятсизлик билан ёндашган раҳбарлар маъмурий жавобгарликка тортилди. Ҳуқуқи бузилган тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатилди.

Туман прокуратурасида ташкил этилган "ишонч телефони"га ҳам жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 10 та мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг 9 таси ижобий ҳал этилди. Жумладан, тумандаги "Эзгулик" МФЙда яшовчи фуқаро "ишонч телефони"га қўнғироқ қилиб, иссиқхона қуриш учун кредит сўраб "Халқ банки"нинг туман филиалига мурожаат этгани, аммо кредит ажратиб берилмаётганини маълум қилди.

Мазкур ҳолат туман прокуратураси томонидан ўрганилиб, фуқарога банк томонидан кредит расмийлаштирилишига эришилди.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига қаратилган бу каби ишларимиз натижасида биргина шу йилнинг ўзида 177 нафар тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқлари тикланиб, уларга амалий ёрдам кўрсатилди.

Ёшлар — келажагимиз эгалари. Уларни ҳар томонлама баркамол авлод этиб тарбиялаш ҳар биримизнинг бурчимиз. Шу маънода, туман прокуратураси, туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ҳамкорлигида жойларда тарғибот-ташвиқот тадбирлари олиб борилмоқда. Вояга етмаганлар бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун турли мусобақалар, учрашувлар ўтказилаётир. Профилактика ишлари натижасида туманда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар камайишига эришилмоқда.

Инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш фаолиятимизнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Шу боис ҳам фуқароларнинг ариза ва шикоятлари, давлат, жамоат ҳамда бошқа ташкилотларнинг мурожаатлари доимий эътиборда. Бизга келиб тушаётган ҳар бир мурожаат атрофлича ўрганилиб, тегишли чоралар кўрилмоқда.

*Мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган барча саъй-ҳаракатлар етук кадрлар тайёрлаш, ўз иқтидори ва истеъдодини тўла-тўкис намоён эта оладиган, ҳаётда ўз ўрнини топишга қодир баркамол авлодни вояга етказишга йўналтирилган. Зеро, бугун ўз самарасини бераётган бундай эзгу ишлар келажакда мамлакатимизнинг юксак тараққиётини, ҳаётимиз фаровонлигини янада оширишни таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз.*

# Кеч бўлса-да англади

Бахтиёр НОРМЎМИНОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси бўлим бошлиғи

Бугунга келиб, олий ва ўрта махсус таълим тизими янгидан қад ростлади, йигит-қизларимизнинг таълим олиши, жисмонан соғлом бўлиб ўсиши учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар яратилди.

Аммо, баъзилар борки, улар ҳанузгача фарзандининг билим олишини пул билан амалга оширмокчи бўладилар. Натижада эса фирибгарларга рўпара бўлиб, бошлари деворга урилганидан кейингина нажот излаб, керакли жойга мурожаат қилишга мажбур бўлишади. Фуқаро Салима Алиева (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам қизини Ўзбекистон жаҳон тиллари университети қошидаги академик лицейга ўқишга киритиш учун ҳаракат бошлайди. Аммо қизининг билимига ишонч билдириш ўрнига, таниш топиш илинжида ўқув даргоҳига боради. Лицей ёнида унга рўбара келган Ноила Тоирова С.Алиеванинг мақсадини билиб олгач, ишга киришади. Яъни, унинг ишончига кириб, "бу ернинг барча раҳбарларини танийман. 1000 АҚШ доллари берсангиз бўлди, қизингиз ўқишга киради. Бўлмаса, бу ерда ўқиши амри маҳол", дея уни аврайди. Қизининг билимини пул билан белгиламоқчи бўлган онанинг кўзи кечроқ бўлса-да, очилди. У фирибгарга учраганини англаб, бу ҳақда СВОЖЖДЛҚК департаментининг Тошкент шаҳар бошқармасига ариза билан мурожаат қилди. Департамент ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда Н.Тоирова жиноят устида ушланиб, унинг асл мақсади фош бўлди.

Ишни атрофлича кўриб чиққан Жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман суди Н.Тоировага нисбатан тегишли жазо тайинлаб, ҳукм чиқарди.

# Ёмоннинг бир қилиғи ортиқ

Ойбек ҒОИПОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Юнусобод туман бўлими бошлиғи

*Халқимиз орасида "қора бозорда доллар қанча бўляпти" деган гаплар гоҳида бўлса-да, қулоғимизга чалиниб туради.*

Бундай ҳолатлар қонунларимизга хилоф бўлишига қарамай, бу ишни ўзларига касб қилиб олган айрим шахсларнинг қилмишлари ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан ўтказилаётган тадбирларда фош этилиб, уларнинг фаолиятига чек қўйилмоқда. Жумладан, Юнусобод туманида жойлашган Олой деҳқон бозорининг орқа томонида валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда "қора бозор" нархида сотишни кўзлаган Жавоҳир Тошев ҳамда Саид Акбаровлар (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам қонун олдида жавоб беришга мажбур бўлишди.

Ўтган йилнинг февраль ойида фуқаро Шоҳида Яминовага 4 минг 500 АҚШ долларини 12 млн. 870 минг сўмга сотаётган пайтларида СВОЖЖДЛҚК департаментининг Юнусобод туман бўлими ходимлари томонидан қўлга олинган икковлон, хизмат вазифасини бажараётган ходимларга қаршилик кўрсатиб, воқеа жойидан қочиб кетишга муваффақ бўлишган эди. Халқимизда "бузоқнинг югургани сомонхонагача" деган нақл бежизга айтилмаган. Валютафурушлар ҳам қочиб, узоққа бора олишмади. Натижада эса айбларига иқрор бўлишдан бошқа чора топа олмадилар.

Ушбу ишни кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман суди валютафуруш Ж.Тошев ҳамда С.Акбаровларнинг қилмишларига яраша қонуний жазо тайинлади.

# Шифокорнинг «қора» қилмиши

Санжар ШАРАПОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Қизилтепа туман бўлими бошлиғи

*Жорий 2013 йилнинг Юртбошимиз томонидан "Обод турмуш йили" деб эълон қилиниши халқнинг, оиланинг, келажак авлоднинг саломатлиги, соғлиги ва баркамол ривожланиши учун улкан замин яратди ҳамда бу борада тиббиёт ходимларига юксак, шу билан бирга, ўта масъулиятли вазифа юклатилди.*

Бироқ, "гуруч курмаксиз бўлмайди", деганларидек, саломатлик посбонлари бўлмиш тиббиёт ходимлари орасида "оқ" халат кийса-да, унга "қора доғ" тушириб юрганлар ҳам йўқ эмас.

Қизилтепа туман "Ўртачўл" қишлоқ врачлик пункти мудири лавозимида фаолият юритган Аҳрор Надиров (исм-фамилиялар ўзгартирилган) масъул мансабдор шахс бўлгани ҳолда, ўз мансаб ваколатидан фойдаланиб, фуқаро Д.Латиповани "Ўртачўл" ҚВПга лаборант вазифасига ишга жойлаштиришни ваъда қилади. 150 минг сўм миқдоридаги пулни Д.Латиповадан пора тариқасида олган мудир, уни ишга жойлаштирмасдан, тумандаги "Буюм бозори" ёнида пулнинг 70 минг сўмини қайтариб бераётган вақтда ушланади.

Ушбу ҳолат юзасидан Аҳрор Надировга нисбатан ЖКнинг 210-моддаси 3-қисми "б" банди билан жиноят иши қўзғатилиб, жиноят ишлари бўйича Навоий вилоят суди томонидан унга нисбатан тегишли жазо чоралари қўлланилди.

# Она табиатимиз кушандалари

Илҳом ДАМАНОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Жиззах вилоят бошқармаси катта инспектори

*Бизни ўраб турган теварак-атроф ўсимлик ва табиат дунёси инсон билан доим ҳамоҳангдир. Инсон яралибдики у доимо табиат инъом этган неъматлардан баҳраманд бўлади. Ўз навбатида инсон ҳам табиатга ўзининг меҳрини ва меҳнатини бахшида этади, уни асраб-авайлайди.*

Шунингдек, юртимизда табиатни муҳофаза қилишга қаратилган қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам ишлаб чиқилган бўлиб, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасига кўра, фуқаролар атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар, деб белгилаб қўйилган.

Бироқ, шунга қарамай айрим нопок кимсалар ҳайвонот дунёсига таҳдид солмоқдалар. Қонун билан қўриқланадиган она табиатимизга зиён етказмоқдалар.

Фуқаро Ғулом Холмонов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам "қўза кунда эмас, кунида синади" деган нақлнинг нақадар ҳаётий эканлигини ўзида синаб кўрди.

СВОЖЖДЛҚК департаментининг Мирзачўл туман бўлими ходимлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда Мирзачўл туман ҳудудида ўтказилган тезкор тадбирда Ғ.Холмонов бошқарувидаги автомашина тўхтатилиб, текширилди. Автомашинанинг юкхонаси ҳамда салонига қоплар юкланган бўлиб, улар очиб кўрилганда ноёб ҳайвонлар терилари борлиги аниқланди. Ғ.Холмонов қоплардаги 202 дона ондатра, 5 дона чиябўри терилари ҳамда 101 та қопқонларга тегишли ҳеч қандай ҳужжат тақдим эта олмагач, ашёвий далил тариқасида олиб қўйилди. Маълум бўлишича, Ғулом Холмонов ушбу қонунбузарлиги билан ҳайвонот дунёсига жами 392 млн. 502 минг сўмлик зарар етказган экан.

Суд томонидан фуқаро Ғ.Холмоновга қонуний жазо тайинланди.

*Пахтаобод шаҳрида яшовчи аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш фирмаси раҳбари Гайдар Эсонов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) қонунларимизни четлаб ўтмоқчи бўлди-ю, оқибатда суднинг қора курсисидан жой олди.*

# «Уддабурон» тадбиркор

Исоқжон ҒОЗИБОЕВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Андижон вилоят бошқармаси катта инспектори

У ўзининг хатти-ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги "Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори талабларини қўпол равишда бузганлиги фош бўлди.

2008 йил ноябрь ойидан 2012 йил сентябрига қадар фирмада мавжуд бўлган назорат-касса машинасидан олинган даврий ҳисоботда аҳолига транспорт хизмати кўрсатишдан жами 383 млн. 665 минг сўмдан ортиқ маблағ тушган бўлса-да, Г.Эсонов 270 млн. 527 минг сўмини тушум сифатида инкассация орқали банк муассасасига топширади. Яна 92 млн. 253 минг сўм нақд пулни эса бошқа тушумлар сифатида банкка инкасса қилади. Қолган 19 млн. 884 минг сўмини эса ўз манфаати учун сарфлаб, хизмат кўрсатиш қоидаларини қўпол равишда бузади. Шунингдек, у солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаб, солиқ солинадиган объектларни камайтириб кўрсатади. 2008 йилдан туман ДСИга турли солиқ турлари бўйича 2287,5 минг сўм, 2009 йилда 13146,1 минг сўм, 2010 йилда 21976,8 минг сўм, 2011 йилда 1329,9 минг сўм, жами бўлиб бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга тўланиши керак бўлган 43740,3 минг сўмни камайтириб ҳисоблаб, ушбу суммадаги солиқларни тўлашдан бўйин товлайди.

Суд айбланувчининг ўз айбига тўла иқрорлиги ва чин кўнгилдан пушаймон эканлигини инобатга олди. Г.Эсонов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2012 йил 5 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарори асосида жазодан озод этилди.

Ўйлаймизки, Г.Эсонов ҳукуматимизнинг бағрикенглик ва инсонпарварлик тамойилидан тегишли хулоса чиқаради.

# Хатолик эвази

Шароф ЖУМАЕВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Сурхондарё вилоят бошқармаси инспектори

*Жамиятда инсон учун энг шарафли нуфуз, жамоатчиликнинг обрў-эътиборига сазовор бўлишдир. Обрў эса ўз-ўзидан келмайди, балки мисқоллаб йиғилади. Орамизда бундай бахтга муяссар бўлганларни кўрганда уларга ҳавас қиламиз. Аммо баъзан айримлар ана шундай мисқоллаб йиғилган обрў-эътиборини ўйламай-нетмай қўйилган биргина қалтис қадам эвазига бой берадиларки, бундан афсусланмай иложимиз йўқ.*

Чунончи, фуқаро Т.Турдибоевнинг аризаси асосида ўтказилган тадбирда яна бир оғир жиноят фош этилди. Термиз туман молия бўлими ходими Ф.Эламонов ҳамда Термиз туман архиви ходими А.Худойназаровлар томонидан ўтказилган текширишда Т.Турдибоевнинг пенсияга оид ҳужжатларида хатоликлар аниқланади ва улар нотўғри тайинланган пенсия нафақаси ҳужжатларидаги хатоларни кўрсатмаслик эвазига 1200,0 минг сўм пора талаб қилишади.

Бу кимсалар Термиз шаҳри бозори ёнидаги автомобиллар тўхташ жойидаги "Дамас" автомашинасида киракашлик билан шуғулланувчи фуқаро Д.Ходжаяров хизматидан фойдалансак, "ёпиғлик қозон ёпиғлигича қолади" деб ўйлашган эди. Бироқ, бунинг акси бўлиб чиқди. «Дамас» ҳайдовчиси кимёвий ишлов берилган 1200,0 минг сўм пулни А.Худойназаровнинг топширигига асосан олиб кетмоқчи бўлган пайтида тезкор ходимлар томонидан ушланди.

Мазкур ҳолатлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, айбдорларга жазо муқаррарлиги таъминланди.



# Оқ ароқнинг қора қилмиши

*Ҳаммаси арзимаган икки қоп цементни, деб юз берди. Ўша куни далаҳовлисини таъмирлаш билан шуғулланаётган Бекзод (исм-фамилиялар ўзгартирилган) иккиси тушлик пайтигача майда-чуйда ишларни бажаришди.*

Соат 15:00 ларда қўшнининг далаҳовлисида қоровуллик қиладиган Анатолий кириб келди. Салом-аликдан сўнг Зокирга бир қоп цементни сотмоқчилигини айтган эди, у рози бўлди-да, Бекзодга Анатолий билан бирга бориб, цементни олиб келишни тайинлади. Бекзод шу заҳоти йўлга отланди. У цементни олиб келиб, аравадаги қопни ерга туширгач, Зокир билан Анатолий тушликка бирор егулик келтириш мақсадида Чирчиқ шаҳридаги деҳқон бозорига йўл олишди. Бекзод бўш ўтирмай, яна ишга уннади.

Бир ярим соатлар вақт ўтгач, икки шиша ароқ, баклажкада гўжа ва салатлар солинган сумкаларни кўтарганча Зокир билан Анатолий бирин-кетин кириб келишди. Зумда ўртага стол қўйиб, устини егуликлар билан тўлдиришди. Тушлик бошланди...

Бир маҳал қарашса, ароқ шишасининг таги кўриниб қолибди. Ҳали бир қарорга келмасларидан туриб, Анатолий Зокирга юзланди-да, агар яна ароқ қуйиб берса, эвазига икки қоп цемент беришни ваъда қилди. Зокир бу гапни кутиб тургандек, шу заҳоти унинг таклифини маъқуллади ва Анатолийни эргаштирганча, яна кўчага чиқиб кетди.

Кўп ўтмай бир шиша ароқ, пиво ва яна алланималарни харид қилиб, қўйни-қўнжи тўлганча кириб келган шериклар зиёфатни давом эттиришди. Вақт allamaҳал бўлганда ваъда қилинган цементни олиб келиш учун аравани судраганча йўлга чиқишди. Озроқ йўл юрар-юрмас, орқароқда нима ҳақдадир баҳслашиб келаётган Зокир билан Анатолий тўсатдан жанжаллашиб қолишди. Бекзод уларнинг ёнига боришга улгурмай, муштлашиб кетишди.

Аслида маст одамга гап уқтириб бўлмайди. Устига-устак учовининг ҳам кайфи тароқ эди. Шу сабаб Бекзод ҳам ўз-ўзидан жанжалга қўшилди ва табиийки, "хўжайини" - Зокирнинг ёнини олди. Хуллас, икковлон уриб-тепиб, Анатолийни чўзилтириб қўйишди. "Рақиб"лари йиқилганига қаноат қилмай, яна дўппослашди. Шундан кейингина ҳушлари озроқ ўзига келиб, уни текшириб кўришга қарор қилишди. Қарашса, Анатолий нафас олмаяпти. Буни кўриб, кайфнинг қолгани ҳам учиб кетди. Нима қилишни билмай, бироз ўйланиб туришди-да, жасадни йўқотиш пайига тушишди. Уни шоша-пиша аравага ортиб, яқин орадаги қамишзорга олиб кириб, ташлаб юборишди. Сўнгра ҳеч нарса бўлмагандек, изларига қайтишди...

Шундай қилиб, икки қоп цемент бир кишининг фожиали ҳалок бўлишига, икки нафарининг эса узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилишига сабаб бўлди. Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди тамагирлик ниятида фуқаро А.Семёновнинг жонига қасд қилган Зокир Ҳамроев ҳамда Бекзод Парпиевларга қилмишларига яраша тегишли жазо тайинлади.

**Исломбек ХЎЖАМУРАТОВ,**
Бош прокуратура бошқарма прокурори

---

*Мана, 22 йилдирки, юртимизда барча жабҳаларда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этиш ва ривожлантириш бўйича ҳаракатлар амалга оширилмоқда.*

# Ваъдага вафо марднинг иши

**Шуҳрат АКБАРОВ,**
Юнусобод туман прокурори

Шунингдек, истиқлол йилларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар, имтиёз ва преференциялар яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш устувор йўналишга айланганлиги бугун эришилаётган ютуқларга яна бир муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Ўз навбатида таъкидлаш жоизки, шундай имкониятлардан фойдаланиб, фаолият юритиш баробарида, ҳам оиласи, ҳам юрт равнақига муносиб ҳисса қўшаётган тадбиркор-у ишбилармон юртдошларимизнинг меҳнати ҳар қанча эътирофга лойиқ.

Сирасини айтганда 2012 йилнинг август ойидан "Beautiful Trading" масъулияти чекланган жамияти раҳбари сифатида иш бошлаган Шуҳрат Росаматовни бемалол ана шундай тадбиркорлар қаторига киритишимиз мумкин эди. Аммо аввалига фаолиятини қонуний бошлаган Ш.Росаматов эса кўп ўтмай қинғирликка қўл урди. Аниқроғи, у билан жорий йилнинг январь ойида жамият номидан "Xuroson bizness group" МЧЖнинг раҳбари Й.Исматов ўртасида нархи 25 млн. сўмлик ун маҳсулоти сотиш ҳақида шартнома тузилади. Орадан бир неча кун ўтгач, "Xuroson bizness group" МЧЖ раҳбари ҳисобида бўш пул маблағлари йўқлиги ҳақида Ш.Росаматовни хабардор қилади ва ундан шартномани ижросиз қолдиришни сўрайди. Ш.Росаматов унга розилик беради-ю, амалда бошқача йўл тутади. Яъни, 25 млн. сўмлик 25 тонна ун маҳсулоти "Xuroson bizness group" МЧЖга сотилганлиги ҳақида юк хати ҳисоб-фактурани расмийлаштиради ҳамда Й.Исматовнинг имзосини қалбакилаштириб, ўзи имзо чекади. Унни бўлса бозорда нотаниш фуқарога сотиб юборади. Шунингдек, ун савдосидан тушган нақд пулларни НКМ хотирасига киритмай, банк муассасасига ҳам инкассация қилиб топширмайди.

Бундан ташқари, Ш.Росаматов улгуржи фаолияти бўйича 2012 йил якуний солиқ ҳисоботида ягона солиқ солинадиган базасини 486 млн. сўмга камайтириб кўрсатиб, 24 млн. 300 минг сўм миқдоридаги ягона солиқ тўлашдан бўйин товлайди.

Суд томонидан Ш.Росаматовга тегишли жазо тайинланди. Хулоса ўрнида айтиш лозимки, инсон ким бўлишидан, жамиятда қандай ўрин тутишидан қатъи назар, энг аввало қилаётган ишининг оқибатини англаб етиши ва шунга қараб йўл тутиши керак.



---

# Ичкилик балоси

**Абдузоҳид НАЗАРОВ,**
Ангор туман прокурори

*Мутахассисларнинг таъкидлашларича, ҳаётда ўз ўрнини топмаган, иши юришмай, топиш-тутишининг тайини йўқ кимсаларнинг аксарияти айбни ўзидан эмас, бировдан қидирар экан. Йўқса, уларга ҳам болалигидан бошқаларга берилгани каби ақл-идрок, фаросат каби хислатлар инъом этилганки, булардан қандай фойдаланиш энди ҳар кимнинг ўзига боғлиқ.*

1974 йилда туғилган Шерзод Ҳамроев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ана шундайлар тоифасидан. Оилали, икки фарзанднинг отаси бўлса-да, тайинли иш билан шуғулланмай қўйди. Айниқса, охирги пайтда топганини ичкиликка сарфлаб, кўпинча маст-аласт юрадиган одат чиқарди. Бунга сабаб қилиб эса уйининг ноқонуний ерда қурилган, дея топилиб, бузиб ташланганини кўрсатади. Аммо афсуски, уни ёнига олиб, йўл-йўриқ кўрсатадиган, бу кунлар ҳам ўтиб кетади, ҳаракат қилсанг, албатта баракасини ҳам кўрасан, дейдиган азамат топилмади. Охир-оқибат Шерзод Ҳамроев қотилликка қўл урди.

Ўша куни ҳам маст аҳволда келиб, жанжал кўтараётган эридан безор бўлган хотини болалари билан паноҳ излаб, қайноғасининг уйига йўл олди. Бироқ, кўп ўтмай эри бу ерга ҳам кириб келди-да, уларни сўради. Ака нима ҳам қила оларди, келини билан жиянларининг тинчини кўзлаб, улар бу ерда эмас, дея жавоб берди. Лекин ука унга ишонмай, ичкарига кириб, текшириб кўрмоқчи бўлди. Табиийки, ака бунга йўл қўймади ва укасини уйдан чиқаришга ҳаракат қила бошлади. Бир ўзининг кучи етмагач, иккинчи укасини чақириб, Шерзодни олиб кетишни тайинлади.

Аммо "тўполончи" кўп ўтмай яна қайтиб келди. Бундан аканинг жаҳли чиқиб, унга бир-икки шапалоқ урган эди, Шерзод аразлагандек бўлиб, бир четга ёнбошлади. Бироз ётгач, ўрнидан туриб кўчага чиқиб кетди. У шу алфозда анча вақт сандиraқлаб юрди. Бир маҳал қараса, йўл четида икки ҳамқишлоғи суҳбатлашиб турибди. Тўғри улар томон юрди. Салом-алик қилгач, одати бўйича тутуриқсиз гап-сўзлар билан уларнинг жиғига тега бошлади. Аксига олиб, икки оғайни ҳам айни пайтда тўйдан қайтган бўлиб, озроқ кайфлари бор эди.

Бири у деди, иккинчиси бу, хуллас, Шерзод билан Ҳаким тўсатдан ёқалашиб кетишди-да, Анвар уларни ажратишга тушди. Аммо кучи етмади. Яхшики, шу атрофда яшайдиган бир танишлари уйидан чиқиб қолди ва икковлон жанжалкашларни бир амаллаб тинчлантиришди. Шерзод улардан узоқлашар экан, ўзидан ёш жиҳатдан кичик бўлган Ҳакимдан мушт егани алам қилди. Ўша ондаёқ миясига келган фикр уни уйи томон бошлади. У ичкарига кириб, ошхонадан пичоқ қидира бошлади. Топгач, қўйнига яшириб, кўчага отилди. Рақибини топиш эса унчалик қийинчилик туғдирмади.

Шерзодга кўзи тушган Ҳаким ҳезланганча у томон кела бошлади. Улар бир-бирларига рўпара бўлишлари ҳамон яна муштлашиб кетишди. Бу сафар ҳам Ҳакимнинг қўли баланд кела бошлади-ю, Шерзод ёнидан пичоқни чиқариб, унинг дуч келган жойига ура бошлади...

Ичкилик охир-оқибат ўз ишини бажарди. Бир инсон ҳаётдан бевақт кўз юмди. Иккинчиси эса узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди. Умид қиламизки, бу муддат Ш.Ҳамроевга саёқ юриш ҳеч қачон яхшиликка бошламаслиги, бошига тушган кўргуликларга бировлар эмас, айнан ўзи сабабчи эканлигини тушуниб олиши учун етарли бўлади.

---

# Қонуний фаолият тарафдоримиз

**Хуршид УСМОНОВ,**
Бош прокуратура бўлим прокурори

*Бозор иқтисодиёти тадбиркорликка асосланган иқтисодий тизим бўлиб, бундай шароитда тадбиркорлик иқтисодиётни ҳаракатлантирувчи асосий куч саналади. Шу боис қайси мамлакатда тадбиркорлик фаолияти учун зарур ташкилий, ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилган бўлса, шу жойда иқтисодиётнинг ўсиши кузатилади.*

Мамлакатимизда ҳам кичик бизнес субъектларини ҳар томонлама ривож лантириш мақсадида қатор имтиёз ва афзалликлар бериб келинмоқда. Бунинг самараси сифатида бугунги кунда кичик бизнеснинг юртимиз иқтисодиётидаги улуши тобора ортиб бораётир.

Аммо ана шундай қулайлик ва имтиёзлардан қонуний фойдаланмасдан, ноқонуний фаолият бошини тутиб келаётган фуқаролар ҳам афсуски, учраб турибди. Мисол учун, департаментнинг Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани бўлими ходимлари томонидан қонуний фаолият кўрсатиб келаётган "Оққуш файз" МЧЖ мурожаати бўйича ўтказилган текширишда Учтепа туманида фуқаро Гулнора Нишонованинг хонадонда яширин цех ташкил этган ҳолда қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқараётганлиги аниқланди. Тадбир давомида жами 4 млн. 167 минг сўмликдан ортиқ қандолат маҳсулотлари ҳамда уларни тайёрлашда ишлатиладиган хом-ашёлар олиб қўйилди.

Суд томонидан ҳеч бир ҳужжатсиз, қолаверса, истеъмол учун яроқлилик сертификатига эга бўлмаган қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқарган Гулнора Нишоновага қилмишига яраша тегишли жазо тайинланди.



## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Хоразм вилоят филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб борадиган тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

